

**А.ТЎХТАҚЎЗИЕВ, М.Т.МАНСУРОВ**

---

**“PUSH-PULL” СИСТЕМАСИДАГИ  
ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ  
МАШИНАЛАРИНИ ТРАКТОРЛАР  
БИЛАН БОЎЛАНИШ СХЕМА ВА  
ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ  
ИЛМИЙ-ТЕХНИК ЕЧИМЛАРИ**

**Тошкент – 2015**

631.3(06) 326051  
T-98 Бухтаев-  
Зуб А.

"PUSH-PULL" сис-  
тема сирези нит-  
рова ашаров Р-  
ремер...

2015 8.000

K

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА  
ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
(ҚХМЭИ)**

**А.Тўхтақўзиев, М.Т.Мансуров**

**“PUSH-PULL” СИСТЕМАСИДАГИ ТУПРОҚҚА ИШЛОВ  
БЕРИШ МАШИНАЛАРИНИ ТРАКТОРЛАР БИЛАН  
БОҒЛАНИШ СХЕМА ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИНГ  
ИЛМИЙ-ТЕХНИК ЕЧИМЛАРИ**

Тошкент – 2015

# **1. «PUSH-PULL» СИСТЕМАСИДАГИ ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ МАШИНАЛАРИ ИШЧИ ҚИСМЛАРИНИ ГОРИЗОНТАЛ ТЕКИСЛИКДА ТРАКТОРЛАР БИЛАН БОҒЛАНИШ СХЕМА ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ**

«Push-pull» системасидаги тупроққа ишлов бериш машиналарини яратишда ечилиши лозим бўлган муҳим масалалардан бири улар қўшиб ишлатиладиган тракторларнинг тўғри чизиқли ҳаракатини таъминлаш ҳисобланади [10-14]. Чунки акс ҳолда, яъни тракторнинг тўғри чизиқли ҳаракати таъминланмаса уни бошқариш қийинлашиб, агрегатнинг иш кўрсаткичлари ва унумдорлиги пасаяди, агротехник тадбирларни бажаришга энергия сарфи ортади.

Тракторнинг тўғри чизиқли ҳаракатини таъминлаш масаласи айниқса унга машиналар томонидан носимметрик кучлар таъсир этганда муҳим аҳамиятга эга. Чунки бунда тракторга таъсир этувчи носимметрик кучлар уни иш жараёнида у ёки бу томонга буриб юборишга интилади. Табиийки бундай ҳолат трактор носимметрик машиналар, айниқса плуглар билан ишлаганда юз беради [15-17].

Симметрик машиналар билан ишлаганда улар томонидан тракторга таъсир этувчи кучлар унинг бўйлама ўқидан ўтади ва шу сабабли бу ҳолда трактор тўғри чизиқли ҳаракатини бузилишига катта хавф туғилмайди.

Юқорида таъкидланганлар асосида тракторнинг тўғри чизиқли ҳаракатини таъминлаш масаласини у «push-pull» системасидаги, яъни ишчи қисмлари унинг олди ва орқасига ишлатиладиган плуг билан ишлаётган ҳол учун тадқиқ этамиз.

Маълумки [15,18], плуг билан ишлаётган трактор иш

жараёнида тўғри чизикли ҳаракат қилиши учун қуйидаги шартлар бажарилиши лозим:

1. Плугнинг горизонтал текисликдаги тортиш чизиги, яъни унинг шу текисликдаги оний айланиш ва қаршилиқ марказларини туташтирувчи чизик трактор ҳаракатлантиргичлари (занжирлари ёки ғилдираклари)нинг босим марказидан ўтиши;


2. Плуг иш жараёнида ёнбошга оғмасдан ишлаши, яъни тўғри чизикли ҳаракат қилиши;

3. Тракторнинг ёнбош томонга сурилиб кетиш ва белгиланган тўғри чизикли ҳаракат йўналишини сақлай олиш бўйича турғунликлари таъминланган бўлиши.

Бу масалалар асосан плуг олдинги ва орқанги қисмларини горизонтал текисликда трактор билан боғланиш схема ва параметрларини асослаш йўли билан ечилади [15-21].

Тушунарли бўлиши учун қўйилган масалаларни биринчи навбатда фақат орқасига осилган плуг билан ишлаётган ғилдиракли трактор мисолида кўриб чиқамиз ва сўнг олинган натижаларни ҳам олдидан, ҳам орқасидан осилган плуглар билан ишлаётган тракторга қўллаيمиз.

Маълумки [15], горизонтал текисликда трактор орқасига осилган плуг билан у осиш механизмнинг пастки тортқилари  $СД$  ва  $С_1Д_1$  дан ташкил топган  $СДС_1Д_1$  тўрт звеноли механизм орқали боғланади (1.1-расм). Агар бунда биринчи шарт бажарилмаса, яъни плугнинг горизонтал текисликдаги тортиш чизиги  $\pi^2Ц_{\pi}$  (бунда  $\pi^2$ -плугнинг горизонтал текисликдаги оний айланиш маркази,  $Ц_{\pi}$ -плугнинг горизонтал текисликдаги қаршилиқ маркази) (1.1-расм) трактор ғилдиракларининг босим маркази  $Ц_m$  дан ўтмаса, иш жараёнида уни (яъни тракторни) буриб юбуровчи  $M = R^{\pi\gamma}I^{\pi\gamma}$  (бунда  $R^{\pi\gamma}$ -горизонтал текисликда



1.1-расм. Тракторни унинг орқасига осилган плуг билан горизонтал текисликдаги боғланиш схемаси

плугга таъсир этувчи кучларнинг тенг таъсир этувчиси;  $l^{xy}$  -  $R^{xy}$  кучнинг трактор ғилдираklarининг босим маркази  $\Pi_m$  га нисбатан елкаси) момент ҳосил бўлади ва натижада трактор тўғри чизикли ҳаракат қила олмайди.

Плугнинг горизонтал текисликдаги тортиш чизигини трактор ғилдираklarининг босим маркази  $\Pi_m$  дан ўтишини у (яъни трактор) осиш механизми пастки тортқиларини сунъий қийшайтириш (1.2, а-расм), плугнинг горизонтал текисликдаги оний айланиш маркази  $\pi'$  ни трактор ғилдираklarининг босим маркази  $\Pi_m$  га олиб келиш (1.2, б-расм) ҳамда плуг қаршилиқ маркази  $\Pi_m$  ни тракторнинг бўйлама ўқига келтириш (1.2, в-расм) усулларини қўллаб таъминлаш мумкин.


Плуг трактор билан 1.2, а-расмда келтирилган схема бўйича боғланганда у трактор осиш механизмининг пастки бўйлама тортқиларини иш жараёнида қийшайиб ишлашини таъминловчи механизм билан жиҳозланади (1.3-расм). Бу механизм ёрдамида трактор осиш механизми пастки бўйлама тортқиларини иш жараёнида қийшайиб ишлаши ва бунинг натижасида плуг тортиш чизигини трактор ғилдираklarининг босим марказидан

Ўтиши таъминланади. Плуг трактор билан 1.2,б-расмда келтирилган схема бўйича уланганда плуг осиш қурилмасининг пастки осиш нукталари орасидаги  $l$  масофа ўзгартирилиб, плугнинг горизонтал текисликдаги оний айланиш маркази  $\pi'$  трактор ғилдираklarининг босим маркази  $\Pi_m$ га келтирилади. Бунинг натижасида плуг тортиш чизигини трактор ғилдираklarининг босим марказидан ўтиши ва унинг тўғри чизиқли ҳаракат қилиши таъминланади. Плуг трактор билан 1.2, в-расмдаги схема бўйича уланганда плугнинг қаршилиқ маркази тракторнинг бўйлама ўқиға унинг олдинги корпусларига калта, охириги корпусларига эса узун ёки фақат охириги корпус(корпуслар)га узун дала тахтаси ўрнатиш йўли билан келтирилади. Лекин ўтказилган тадқиқотларни кўрсатишича бу плугнинг ботиши ҳамда у қамраш кенглигининг бир текис бўлишиға салбий таъсир кўрсатади [15].


Плугнинг горизонтал текисликдаги тортиш чизиги трактор ғилдираklarининг босим марказидан ўтишини таъминлашнинг юқорида таъкидланган биринчи ва иккинчи усуллариини плуг тракторнинг олдиға осилган ҳол учун ҳам қўллаб бўлади, учинчи усулни эса қўллаб бўлмайди.

Демак, юқорида ўтказилган таҳлиллар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, тракторнинг тўғри чизиқли ҳаракатини таъминлаш учун «push-pull» системасидаги плуг ишчи қисмлари трактор олдинги ва орқанги осиш механизмларининг пастки бўйлама тортқиларини горизонтал текисликда сунъий қийшайишини таъминловчи механизмлар билан жиҳозланиши ёки уларнинг оний айланиш маркази трактор ғилдираklarининг босим марказига келтирилиши лозим экан.


Кейинги тадқиқотларни иккинчи усулни, яъни плугнинг горизонтал текисликдаги оний айланиш марказини трактор



a)




б)



в)

1.2-расм. Плуг тортиш чизигини трактор ғилдираklarининг босим марказидан ўтишини таъминлаш бўйича схемалар



1.3-расм. Трактор осиш механизмининг пастки бўйлама тортқиларини сунъий қийшайтиришни таъминлашга доир схема

ғилдиракларининг босим марказига келтириш усулини қўллаб ўтказамиз, чунки биринчи усул қўлланилганда 1.3-расмдан кўриниб турганидек плугнинг конструкцияси мураккаблашади.


1.4-расмда таклиф этилаётган усул бўйича «push-pull» системасидаги плугни горизонтал текисликда трактор билан боғланиш схемаси келтирилган.

1.4 ва 1.5 – расмларда келтирилган схема ва белгилашлардан фойдаланиб, «push-pull» системасидаги плуг орқанги қисми пастки осиш нуқталари орасидаги  $l_2$  масофанинг унинг (яъни плуг орқанги қисмининг) оний айланиш маркази трактор ғилдиракларининг босим марказида жойлашишини таъминловчи қийматини аниқлаймиз

$$l_2 = A_2 B_2 = 2C_m A_2 \sin \beta_2; \quad (1.1)$$

$$C_m A_2 = C_m M_2 + M_2 A_2; \quad (1.2)$$

$$C_m M_2 = \sqrt{m_2^2 + (0,5k_2)^2}; \quad (1.3)$$



1.4-расм. «Push-pull» системасидаги плуг олдинги ва орқанги қисмларини горизонтал текисликда трактор билан боғланиш схемалари

$$M_2 A_2 = l_2^6 \cos \varepsilon_2; \quad (1.4)$$

$$\sin \beta_2 = \frac{0,5k_2}{U_m M_2} = \frac{0,5k_2}{\sqrt{m_2^2 + (0,5k_2)^2}}. \quad (1.5)$$

(1.1)-(1.5) ифодалардан қуйидаги натижага эга бўламиз

$$l_2 = \left( \sqrt{m_2^2 + (0,5k_2)^2} + l_2^6 \cos \varepsilon_2 \right) \frac{k_2}{\sqrt{m_2^2 + (0,5k_2)^2}} \quad (1.6)$$

ёки

$$l_2 = \left( 1 + \frac{l_2^6 \cos \varepsilon_2}{\sqrt{m_2^2 + (0,5k_2)^2}} \right) k_2, \quad (1.7)$$

бунда  $l_2^6$  -трактор орқанги осиш механизми бўйлама тортқиларининг узунлиги;



$m_2$ -трактор орқанги осиш механизмининг олдинги (қўзғалмас) шарнирларидан у ғилдираklarининг босим марказигача бўлган бўйлама масофа;

$k_2$ -трактор орқанги осиш механизми олдинги (қўзғалмас) шарнирлари орасидаги кўндаланг масофа;

$\varepsilon_2$ -трактор орқанги осиш механизми бўйлама тортқиларининг иш ҳолатда горизонтга нисбатан оғиш бурчаги.

Худди шу тарзда плугнинг тракторни олдиға осиладиган қисми учун пастки осиш нуқталари орасидаги  $l_1$  масофани аниқлаймиз

$$l_1 = \left( 1 + \frac{l_1^0 \cos \varepsilon_1}{\sqrt{m_1^2 + (0,5k_1)^2}} \right) k_1, \quad (1.7, a)$$

$l_1^0$  -трактор олдинги осиш механизми бўйлама тортқиларининг узунлиги;

$m_1$ -трактор олдинги осиш механизмининг орқанги қўзғалмас шарнирларидан у ғилдираklarининг босим марказигача бўлган бўйлама масофа;

$k_1$ - трактор олдинги осиш механизмининг орқанги қўзғалмас шарнирлари орасидаги кўндаланг масофа;

$\varepsilon_1$ -трактор олдинги осиш механизми бўйлама тортқиларининг иш ҳолатда горизонтга нисбатан оғиш бурчаги.

Иш жараёнида плугнинг олдинги ва орқанги қисмлари ёнбошға оғмасдан ишлашлари, яъни улар тўғри чизикли ҳаракат қилиши учун қуйидаги шартлар бажарилиши лозим [15,18]

$$\frac{R_k^{xy} \sin(\alpha_1^2 + \rho) \cos \varphi}{b_1^{\bar{\theta}} l_1^{\bar{\theta}} \cos(\alpha_1^2 + \varphi)} \leq [q] \quad (1.8)$$

ва

$$\frac{R_k^{xy} \sin(\alpha_2^2 + \rho) \cos \varphi}{b_2^{\bar{\theta}} l_2^{\bar{\theta}} \cos(\alpha_2^2 + \varphi)} \leq [q], \quad (1.9)$$

бунда  $R_k^{xy}$ -горизонтал текисликда плуг корпусининг лемехи ва ағдаргичига таъсир этувчи кучларнинг тенг таъсир этувчиси;

$\alpha_1^2, \alpha_2^2$ -мос равишда плуг олдинги ва орқанги қисмлари тортиш чизикларини ҳаракат йўналишидан оғиш бурчаклари (1.4-расмга қаралсин);

$\rho$ -агрегат ҳаракат йўналиши ва  $R_k^{xy}$  куч йўналиши орасидаги бурчак;

$\varphi$ -плуг дала тахталарини эгат деворига ишқаланиш бурчаги;

$b_1^{\bar{\theta}}, b_2^{\bar{\theta}}$ -мос равишда плуг олдинги ва орқанги ишчи қисмлари корпуслари дала тахталарининг баландлиги;

$l_1^{\bar{\theta}}, l_2^{\bar{\theta}}$ -мос равишда плуг олдинги ва орқанги ишчи қисмлари корпуслари дала тахталарининг узунлиги;

$[q]$ -дала тахталарининг эгат деворига жоиз солиштира босими.

(1.8) ва (1.9) ифодалар таҳлилидан кўриниб турибдики, плуг олдинги ва орқанги қисмларининг ёнбошга оғмасдан ишлашига улар корпуслари дала тахталарининг баландлиги ва узунлигини ўзгартириш ҳисобига эришилинар экан.

(1.8) ва (1.9) ифодаларни  $(b_1^\partial l_1^\partial)$  ва  $(b_2^\partial l_2^\partial)$  ларга нисбатан ечиб, уларнинг плуг олдинги ва орқанги қисмларини иш жараёнида ёнбошига оғмасдан ишлашини таъминловчи қийматларини аниқлаш имконини берадиган ифодаларга эга бўламиз

$$b_1^\partial l_1^\partial \geq \frac{R_k^{xy} \sin(\alpha_1^e + \rho) \cos \varphi}{[q] \cos(\alpha_1^e + \varphi)} \quad (1.10)$$

ва

$$b_2^\partial l_2^\partial \geq \frac{R_k^{xy} \sin(\alpha_2^e + \rho) \cos \varphi}{[q] \cos(\alpha_2^e + \varphi)}. \quad (1.11)$$

Дала юзасидаги нотекисликларни мавжудлиги ва тупроқ юза қатламини юмшоқлиги туфайли дала тахтасининг кенглиги ҳайдов чуқурлигининг 2/3 қисмидан ортмаслиги тавсия этилади [15] ҳамда адабиётлардан маълумки  $R_k^{xy} = \eta k h b_k$  (бунда  $\eta$ -плугнинг фойдали иш коэффициенти;  $k$ -тупроқнинг шудгорлашга солиштирма қаршилиги;  $h$ -ишлов бериш (ҳайдаш) чуқурлиги;  $b_k$ -плуг корпусининг қамраш кенглиги). Буларни ҳисобга олиб, плуг олдинги ва орқанги қисми корпуслари дала тахталарининг баландлиги ва узунлигини аниқлаш учун қуйидаги якуний ифодаларга эга бўламиз

$$b_1^\partial = b_2^\partial \geq \frac{2}{3} h; \quad (1.12)$$

$$l_1^0 \geq \frac{3\eta k b_k \sin(\alpha_1^2 + \rho) \cos \varphi}{2[q] \cos(\alpha_1^2 + \varphi) \cos \rho} \quad (1.13)$$

ва

$$l_2^0 \geq \frac{3\eta k b_k \sin(\alpha_2^2 + \rho) \cos \varphi}{2[q] \cos(\alpha_2^2 + \varphi) \cos \rho}. \quad (1.14)$$

Бу олинган натижавий ифодалар плуг олдинги ва орқанги қисмлари корпуслари дала тахталарининг уларни тўғри чизиқли ҳаракатини таъминловчи баландлиги ва узунлигини аниқлаш имконини беради.


Энди орқасига осилган плуг билан ишлаётган тракторни ёнбош томонга сурилишга турғунлигини кўриб чиқамиз. Бунда адабиётлардан маълум бўлганидек плуг орқа қисмини тракторга кўрсатадиган таъсирини унинг  $R^{xy}$  қаршилиқ кучи орқали ҳисобга оламиз [15,17].

1.6-расмда келтирилган схема бўйича  $R^{xy}$  кучнинг таъсири остида тракторни олдинги ва орқанги ғилдиракларида ҳосил бўладиган ёнбош кучларни аниқлаймиз

$$T_A = \frac{R^{xy} a \sin \alpha^2}{L} \quad (1.15)$$

ва

$$T_B = \frac{R^{xy} b \sin \alpha^2}{L}, \quad (1.16)$$



1.6-расм. Тракторнинг ёнбош томонга сурилиб кетишга турғунлигини тадқиқ этишга доир схема

бунда  $T_A$  ва  $T_B$  -мос равишда тракторнинг олдинги ва орқанги ғилдираклари(кўприклари)да ҳосил бўлган ёнбош кучлар;

$a, b$ -мос равишда трактор ғилдиракларининг босим марказидан унинг орқанги ва олдинги кўприқларигача бўлган масофалар;

$L$ -трактор базасининг узунлиги.

Трактор ёнбош томонга сурилишга турғунлигини йўқотмаслиги учун қуйидаги шартлар бажарилиши лозим [17]

$$T_A < [T_A] \quad (1.17)$$

за

$$T_B < [T_B], \quad (1.18)$$

бунда  $[T_A]$  ва  $[T_B]$ -мос равишда тракторнинг олдинги ва орқанги ғилдиракларида ҳосил бўладиган ёнбош кучларнинг жоиз (рухсат этилган) қиймати.

Трактор ғилдиракларида ҳосил бўладиган ёнбош кучларнинг жоиз қийматини қуйидаги ифодалар бўйича аниқлаш мумкин [17]

$$[T_A] = \sqrt{(\varphi_u G_A)^2 - F_A^2} \quad (1.19)$$

ва

$$[T_B] = \sqrt{(\varphi_u G_B)^2 - F_B^2}, \quad (1.20)$$

бунда  $\varphi_u$ -трактор ғилдиракларини тупроқ билан илашиш коэффиценти;

$G_A, G_B$ -тракторнинг олдинги ва орқанги кўприкларига таъсир этувчи тик кучлар;

$F_A, F_B$ -трактор олдинги ва орқанги ғилдиракларининг ҳаракатлантирувчи кучлари.


(1.19) ва (1.20) ифодаларни ҳисобга олганда (1.17) ва (1.18) ифодалар қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$T_A < \sqrt{(\varphi_u G_A)^2 - F_A^2} \quad (1.21)$$

ва

$$T_B < \sqrt{(\varphi_u G_B)^2 - F_B^2} \quad (1.22)$$

ёки (1.14) ва (1.15) ифодаларни ҳисобга олганда



$$R^y a \sin \alpha^z < (\sqrt{(\varphi_u G_A)^2 - F_A^2}) L \quad (1.23)$$

ва

$$R^y b \sin \alpha^z < (\sqrt{(\varphi_u G_B)^2 - F_B^2}) L. \quad (1.24)$$

Бу охирги икки ифодалар таҳлилидан кўриниб турибдики, тракторни ёнбош томонга сурилишга турғунлиги унинг олдинги ва кетинги кўприкларига таъсир этувчи кучлар ( $G_A$ ,  $G_B$ ,  $F_A$ ,  $F_B$ ), унинг параметрлари ( $a$ ,  $b$ ,  $L$ ), ғилдиракларнинг тупроқ билан ишлашиш коэффиценти ( $\varphi_u$ ) ҳамда плугнинг тортишга қаршилиги ( $R^y$ ) ва уни тракторнинг бўйлама ўқига нисбатан оғиш бурчаги ( $\alpha^z$ ) га боғлиқ экан.

(1.23) ва (1.24) ифодалардан кўриниб турибдики тракторнинг ёнбош томонга сурилишга турғунлигини ошириш учун  $\alpha^z$  бурчак мумкин қадар кичик ёки нолга тенг бўлиши лозим.

$\alpha^z$  ни қиймати кўп жаҳатдан плугларни трактор билан агрегатлаш усулига боғлиқ. Маълумки, ҳозирги даврда жаҳон амалиётида плуглар ғилдиракли тракторлар билан икки хил усулда агрегатланади [15]:

1. Тракторнинг барча ғилдираклари анғизда, яъни ҳайдалмаган майдон устида ҳаракатланади (1.7, а – расм);
2. Тракторнинг ўнг ғилдираклари (оддий плуг билан ишлаганда) ёки ўнг ва чап ғилдираклари навбат билан (айланма плуг билан ишлаганда) агрегатнинг олдинги ўтишида ҳосил бўлган эгат ичида ҳаракатланади (1.7, б-расм).

Тракторнинг барча ғилдираклари анғизда ҳаракатланганда 1.7, а-расмдаги схемадан кўриниб турганидек плугнинг қаршили



Тракторни ўнг ёки чап гилдираклари эгат ичидан юрганда плугнинг қаршилиқ маркази унинг (тракторнинг) бўйлама ўқида ёки унга яқин масофада жойлашган бўлади. Натижада трактор гилдиракларига кам микдордаги ёнбош кучлар таъсир этади ҳамда тракторни ёнбош томонга сурилиб кетиш хавфи камаяди.

Демак, юқорида таъкидланганлар асосида шуни таъкидлаш лозимки тракторни ёнбош томонга сурилиб кетмаслигини таъминлаш учун шудгорлаш жараёнида унинг чап ёки ўнг томон гилдираклари ҳайдов агрегатининг олдинги ўтишида ҳосил бўлган эгат ичидан юриши керак.

Юқорида таъкидланганлар асосида трактор «push-pull» системасидаги плугнинг олдинги ва орқанги қисмлари билан ишлаётган ҳол учун уни ёнбош томонга сурилишга турғунлик шартлари қуйидаги кўринишда бўлади:



а) плугнинг олдинги ва орқанги қисмлари томонидан тракторга таъсир этувчи ёнбош кучлар бир томонга йўналган (1.8, а-расм)

$$\frac{(R_1^{xy} \sin \alpha_1^e + R_2^{xy} \sin \alpha_2^e) a}{L} < \sqrt{(\varphi_u G_A)^2 - (F_A)^2} \quad (1.25)$$

ва

$$\frac{(R_1^{xy} \sin \alpha_1^e + R_2^{xy} \sin \alpha_2^e) b}{L} < \sqrt{(\varphi_u G_B)^2 - (F_B)^2} ; \quad (1.26)$$

б) плугнинг олдинги ва орқанги қисмлари томонидан тракторга таъсир этувчи ёнбош кучлар қарама-қарши томонга йўналган (1.8, б-расм)



а) плугнинг олдинги ва орқанги қисмлари томонидан тракторга таъсир этувчи ёнбош кучлар бир томонга йўналган;

б) плугнинг олдинги ва орқанги қисмлари томонидан тракторга таъсир этувчи ёнбош кучлар қарама-қарши томонга йўналган;

1.8-расм. Плугнинг олдинги ва орқанги қисмлари томонидан тракторга таъсир этувчи кучлар схемаси

$$\frac{(R_2^{xy} \sin \alpha_2^e - R_1^{xy} \sin \alpha_1^e) a}{L} < \sqrt{(\varphi_u G_A)^2 - (F_A)^2} \quad (1.27)$$

ва

$$\frac{(R_2^{xy} \sin \alpha_2^e - R_1^{xy} \sin \alpha_1^e) b}{L} < \sqrt{(\varphi_u G_B)^2 - (F_B)^2}, \quad (1.28)$$

бунда  $R_1^{xy}, R_2^{xy}$ -мос равишда тракторнинг олди ва орқасига осилган плуг қисмларининг тортишга қаршиликлари;

$\alpha_1^e, \alpha_2^e$ -мос равишда тракторнинг олди ва орқасига осилган плуг қисмлари тортиш чизиқлари ва тракторнинг бўйлама ўқи орасидаги бурчаклар.

(1.25)-(1.28) ифодалар бўйича иш жараёнида тракторни ёнбош томонга сурилиб кетиш эҳтимоли плугнинг олдинги ва орқанги қисмлари томонидан унга таъсир этувчи ёнбош кучлар бир томонга йўналганда катта, қарама-қарши томонга йўналганда эса кичик бўлар экан. Бу ҳолат «push-pull» системасидаги плуглар ва бошқа тупроққа ишлов бериш машиналарини ишлаб чиқишда албатта инобатга олиниши лозим.

Энди тракторнинг белгиланган тўғри чизиқли ҳаракат йўналишини сақлай олиши бўйича турғунлигини тадқиқ этамиз. Маълумки [16,17], бунинг учун тракторнинг ёнбош ва бурчак оғишларини ифодаловчи дифференциал тенгламалар тузилиб, улар характеристик тенгламасининг илдизлари тадқиқ этилади.

1.9-расмда «push-pull» системасидаги плуг билан ишлаётган тракторнинг ёнбош ва бурчак оғишлари мавжуд бўлгандаги ҳаракат схемаси тасвирланган. Бу схемага асосан тракторнинг қўзғалмас  $XOY$  системасидаги ёнбош ва бурчак оғишларининг



$\gamma$ -трактор бошқариладиган ғилдиракларини нейтрал ҳолатга нисбатан бурилиш бурчаги;  
 $\beta$ -трактор бўйлама ўқини  $OX$  ўқига нисбатан бурилиш бурчаги;  
 $J_z$ -тракторнинг инерция моменти ( $y$  ғилдиракларининг горизонтал текисликдаги босим марказига нисбатан);  
 $M_c$ -стабиллаштирувчи момент.

$\beta$  ва  $\gamma$  бурчакларни кичик деб қараб ҳамда  $T_A$  ва  $T_B$  кучларни трактор олдинги ва орқанги кўприкларининг тойиш бурчаклари ва коэффициентлари орқали ифодалаб [17], (1.29) ва (1.30) ифодаларни қўйидаги кўринишга келтирамиз

$$m\ddot{y}_c + \frac{K_{t1} + K_{t2}}{V} \dot{y}_c + \frac{bK_{t1} - aK_{t2}}{V} \dot{\beta} - \\ - [F_A + F_B + R_1^{xy} - R_2^{xy} + K_{t1} + K_{t2}] \beta = \\ = (K_{t1} - F_A) \gamma + R_1^{xy} \alpha_1^e - R_2^{xy} \alpha_2^e \quad (1.31)$$

ва

$$\frac{bK_{t1} - aK_{t2}}{V} \dot{y}_c + J_z \ddot{\beta} + \frac{b^2 K_{t1} + a^2 K_{t2}}{V} \dot{\beta} - \\ - (bK_{t1} - aK_{t2}) \beta = (K_{t1} - F_A) b \gamma - M_c, \quad (1.32)$$

бунда  $K_{t1}$  ва  $K_{t2}$ -мос равишда трактор олдинги ва орқанги кўприкларининг ёнбош томонга тойишга қаршилик коэффициентлари;

$V$ -тракторнинг ҳаракат тезлиги.

(1.31) ва (1.32) тенгламаларнинг характеристик тенгламаси қуйидаги қўринишга эга бўлади

$$\begin{aligned}
 & (mVJ_z)\lambda^4 + [(J_z + mb^2)K_{t1} + (J_z + ma^2)K_{t2}]\lambda^3 + \\
 & + \left[ \frac{1}{V} L^2 K_{t1} \cdot K_{t2} - mV(bK_{t1} - aK_{t2}) \right] \lambda^2 + \\
 & + (bK_{t1} - aK_{t2})(F_A + F_B + R_1^{xy} - R_2^{xy})\lambda = 0. \quad (1.33)
 \end{aligned}$$

Турғунлик назариясидан маълумки [16, 22], трактор белгиланган йўналиш бўйича тўғри чизиқли ҳаракат қилиши учун (1.33) характеристик тенгламанинг барча илдизлари манфий ишорали бўлиши, бунинг учун эса қуйидаги шартлар бажарилиши лозим

$$(J_z + mb^2)K_{t1} + (J_z + ma^2)K_{t2} > 0; \quad (1.34)$$

$$L^2 K_{t1} \cdot K_{t2} - mV^2(bK_{t1} - aK_{t2}) > 0; \quad (1.35)$$

$$(bK_{t1} - aK_{t2})(F_A + F_B + R_1^{xy} - R_2^{xy}) > 0; \quad (1.36)$$

ва

$$\begin{aligned}
 & [(J_z + mb^2)K_{t1} + (J_z + ma^2)K_{t2}] \times \\
 & \times \left[ \frac{1}{V} L^2 K_{t1} \cdot K_{t2} - mV(bK_{t1} - aK_{t2}) \right] - \\
 & - mVJ(bK_{t1} - aK_{t2})(F_A + F_B + R_1^{xy} - R_2^{xy}) > 0, \quad (1.37)
 \end{aligned}$$

бунда  $L$ -трактор базасининг узунлиги.

(1.34)-(1.37) ифодалар таҳлилидан кўриниб турибдики трактор тўғри чизикли ҳаракатининг турғунлиги унинг массаси ( $m$ ), у оғирлик марказининг жойлашган ўрни ( $a$ ,  $b$ ), ушбу марказга нисбатан инерция моменти ( $J_z$ ), базасининг узунлиги ( $L$ ), олдинги ва орқанги кўприklarининг ёнбош томонга тойишга қаршилиқ коэффициентлари ( $K_{t1}$ ,  $K_{t2}$ ), ҳаракат тезлиги ( $V$ ), агрегатланаётган машиналар, яъни плуг олдинги ва орқанги қисмларининг қаршиликлари ( $R_1^{xy}$ ,  $R_2^{xy}$ ) ва уларни йўналишлари( $\alpha$ )га боғлиқ экан. Аммо  $m$ ,  $L$ ,  $a$ ,  $b$ ,  $J_z$ ,  $K_{t1}$ ,  $K_{t2}$  лар берилган ва маълум бўлганлиги сабабли тракторнинг тўғри чизикли ҳаракати асосан  $R_1^{xy}$  ва  $R_2^{xy}$  кучларнинг миқдори ҳамда йўналишини ва демак плуг параметрлари ва уни трактор билан боғланиш схемасини тўғри танлаш йўли билан таъминланади.

## БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСАЛАР

Ғилдиракли трактор ва плуг мисолида «push-pull» системасидаги тупроққа ишлов бериш машиналарининг ишчи қисмларини горизонтал текисликда трактор билан боғланиш схема ва параметрларини асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари бўйича қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:


-«push-pull» системасидаги тупроққа ишлов бериш машиналари асосида тузилган агрегатларнинг тўғри чизиқли ҳаракатини таъминлаш учун уларнинг олдинги ва орқанги ишчи қисмларини горизонтал текисликда трактор билан боғловчи тўрт звеноли механизмларнинг оний айланиш марказлари трактор ҳаракатлангиргичлари босим марказининг горизонтал текисликдаги изига жойлашган бўлиши лозим;

-машиналар олдинги ва орқанги қисмларининг горизонтал текисликдаги тортиш чизиқларини трактор бўйлама ўқиға нисбатан оғиш бурчаги мумкин қадар кичик, улардан ҳосил бўладиган ёнбош кучлар қарама-қарши томонға йўналган бўлиши керак.


## **2. «PUSH-PULL» СИСТЕМАСИДАГИ ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ МАШИНАЛАРИ ИШЧИ ҚИСМЛАРИНИ БЎЙЛАМА-ТИК ТЕКИСЛИКДА ТРАКТОРЛАР БИЛАН БОҒЛАНИШ СХЕМА ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ**

Бу ерда ҳам «push-pull» системасидаги тупроққа ишлов бериш машиналари ишчи қисмларини бўйлама-тик текисликда тракторлар билан боғланиш схема ва параметрларини шу системадаги плуг мисолида кўриб чиқамиз.

Барча тупроққа ишлов бериш машиналарининг (шу жумладан плугларнинг ҳам) бўйлама-тик текисликда трактор билан боғланиш схема ва параметрлари асосан уларни белгиланган чуқурликка ботиши ва шу чуқурликда бир текис(барқарор) юриши таъминланиши шартларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади [15,23-25]. Ушбу шартлар бажарилишини биринчи навбатда плугнинг тракторни орқасига осилган қисми учун кўриб чиқамиз. Маълумки, плугнинг орқанги қисми бўйлама-тик текисликда трактор билан унинг иккита пастки ва битта юқориги бўйлама торткилардан ташкил топган  $ABD(D_1)C(C_1)$  тўрт звеноли осиш механизми орқали боғланади (2.1-расм). Юқорида айтилган шартлар бажарилишини таъминлашда ушбу механизм ва демак плуг орқа қисмининг бўйлама-тик текисликдаги оний айланиш маркази  $\pi_2$  нинг жойлашган ўрни катта аҳамиятга эга. Мавжуд талабларга биноан [15,23-25] плугнинг орқанги қисми технологик жараёни бажараётган пайтида, яъни иш ҳолатида бўлганда у оний айланиш марказининг жойлашган ўрни қуйидаги шартларни бажарилишини таъминлаши лозим (1.2-расм)



2.1-расм. «Push-pull» системасидаги плуг орқанги қисмини трактор билан боғланиш схемаси



2.2-расм. Плуг орқанги қисми оний айланиш марказининг жойлашган ўрнини асослашга доир схема

$$0,5L \leq X_{oz} \leq L \quad (2.1)$$

ва

$$\alpha_{uz} < [\alpha_{uz}], \quad (2.2)$$


бунда  $X_{oz}$ -трактор орқанги ғилдираклари айланиш марказидан плуг орқанги қисмининг оний айланиш марказигача бўлган бўйлама масофа;

$\alpha_{uz}$ -плуг орқанги қисми шартли тортиш чизиғи  $0\pi_z$  нинг горизонтга нисбатан оғиш бурчағи;

$[\alpha_{uz}]$ -плуг орқанги қисми шартли тортиш чизиғи  $0\pi_z$  ни горизонтга нисбатан оғиш бурчағининг жоиз (рухсат этилган) қиймати (ГОСТ 10677-2001 [25] бўйича  $([\alpha_{uz}] \leq 12^\circ)$ ).


(2.1) ва (2.2) шартлар бажарилганда биринчидан плугнинг орқанги қисми томонидан тракторга бериладиган тик босим кучлари унинг олдинги ва орқанги ғилдиракларида қўшимча юкланиш ҳосил қилади. Бунинг натижасида уларни тупроқ билан илашиши яхшиланиб, тракторни тортиш кучи ортади, иккинчидан плугни ўз оғирлиги таъсири остида белгиланган чуқурликка ботиши таъминланади.

Юқорида таъкидланганлардан ташқари плуг ботиш жараёнининг бошида, яъни транспорт ҳолатидан иш ҳолатига ўтказилганда дала юзасига маълум  $\delta$  ( $4-8^\circ$ ) бурчак остида жойлашиши (штрих чизиқ), тўлиқ ботгандан кейин эса горизонтал ҳолатда бўлиши (узлуксиз чизиқ) лозим (2.3-расм). Чунки бунда плугнинг корпуслари дала юзасига бирин-кетин ва лемехларининг учи билан келиб тегади. Бунинг натижасида плугнинг оғирлиги фақат лемехларнинг учларига берилиб, уларни каттиқ тупроқларга ҳам яхши ботиши таъминланади[27].



2.3-расм. Плуг орқанги қисмини ерга ботиш жараёнидаги ҳолатлари

Плуг рамаси ботиш жараёнининг бошида дала юзасига нисбатан маълум бурчак остида жойлашиши, тўлиқ ботгандан сўнг эса горизонтал ҳолатда бўлишига асосан трактор осиш механизми параметрлари ва тортқиларининг узунлигини тўғри танлаш ҳисобига эришилинади, яъни у пастки тортқиларининг узунлиги юқориги торқиникидан катта ҳамда уларнинг қўзғалмас шарнирлари ҳаракат йўналиши бўйича олдинда жойлашган бўлиши лозим. Бундан ташқари трактор осиш механизми юқори тортқисини узунлиги ростланадиган бўлиши керак. Яна шуни таъкидлаш лозимки тўрт звеноли механизмнинг оний айланиш маркази бўйлама-тик текисликда плуг лемехлари ва ағдаргичларига таъсир этаётган кучларнинг тенг таъсир этувчиси бўлган  $R_z^{xz}$  кучининг таъсир чизиги  $\tau_2 - \tau_2$  дан юқорида жойлашган бўлиши керак (2.2-расм), чунки акс ҳолда бу куч таъсири остида плуг таянч гилдирагига катта босим кучи таъсир этади ва уни думалаши учун энергия сарфи кескин ортади. Бундан ташқари ҳайдов чуқурлигининг нотекислиги ортади.



2.4-расм.  $X_{0z}$  ҳамда  $\alpha_{uz}$  ни трактор осиш механизми ва плуг орқанги қисми осиш қурилмасининг параметрлари орқали ифодалашга доир схема

Юқорида таъкидланган шартлар қандай омиллар ҳисобига таъминланишини ўрганиш мақсадида  $\varepsilon_2 = 0^\circ$  деб қараб [25],

2.4-расмда келтирилган схемадан фойдаланиб  $X_{0z}$  ҳамда  $\alpha_{uz}$  ни трактор осиш механизми ва плуг орқанги қисми осиш қурилмасининг параметрлари орқали ифодаalayмиз.

2.4-расмда келтирилган схема бўйича

$$X_{0z} = L_n - l_2^6 \cos \beta_2 - m_{0z}; \quad (2.3)$$

$$\alpha_{uz} = \arctg \frac{H_{1z}}{L_n}, \quad (2.4)$$

бунда  $L_n$ -трактор оқанги осиш механизми пастки тортқиларининг орқанги, яъни қўзғалувчан шарнирларидан плуг оний айланиш марказигача бўлган бўйлама масофа;

$\beta_2$ -трактор осиш механизми пастки бўйлама тортқиларининг учрашув бурчаги, яъни уларни ҳаракат йўналиши билан ҳосил қилган бурчаги (1.5-расм);

$m_{oz}$ -трактор орқанги ғилдирақларининг айланиш марказидан у орқанги осиш механизми пастки тортқиларининг олдинги, яъни қўзғалмас шарнирлари  $C(C_1)$  гача бўлган бўйлама масофа;

$H_{1z}$ -трактор таянч юзасидан унинг орқанги осиш механизми пастки тортқиларининг олдинги шарнирлари  $C(C_1)$  гача бўлган тик масофа.

1.5, а-расмда келтирилган схемага биноан

$$\cos \beta_2 = \frac{\sqrt{(l_2^6)^2 - 0,25(l_2 - k_2)^2}}{l_2^6}. \quad (2.5)$$

(2.3)-ифодадаги  $L_n$  ни трактор орқанги осиш механизми ва плугнинг орқанги қисми осиш қурилмасининг параметрлари орқали ифодалаймиз

$$L_n = \frac{H_{2z} [\sqrt{(l_2^6)^2 - 0,25(l_2 - k_2)^2} - X_A]}{H_{2z} - Z_A}, \quad (2.6)$$

бунда  $X_A$ ,  $Z_A$ -мос равишда трактор орқанги осиш механизмининг

кўзгалмас  $C(C_1)$  ва  $A$  шарнирлари орасидаги бўйлама ва тик масофалар;

$H_{2z}$ -плуг осиш қурилмасининг пастки ва юқориги шарнирлари орасидаги тик масофа.

(2.5) ва (2.6) ифодаларни ҳисобга олганда (2.3) ва (2.4) ифодалар қуйидаги якуний кўринишга эга бўлади


$$X_{oz} = \frac{H_{2z} [\sqrt{(l_2^6)^2 - 0,25(l_2 - k_2)^2} - X_A]}{H_{2z} - Z_A} - (\sqrt{(l_2^6)^2 - 0,25(l_2 - k_2)^2} - m_{oz}) \quad (2.7)$$

ва


$$\alpha_{uz} = \arctg \frac{H_{1z}(H_{2z} - Z_A)}{H_{2z} [\sqrt{(l_2^6)^2 - 0,25(l_2 - k_2)^2} - X_A]} \quad (2.8)$$

(2.7) ва (2.8) ифодалар таҳлилидан кўриниб турибдики юқорида келтирилган (2.1) ва (2.2) шартлар плуг орқанги осиш қурилмасининг пастки ва юқориги осиш нуқталари орасидаги тик масофа  $H_{2z}$  ва трактор осиш механизмининг параметрлари ( $X_A$ ,  $Z_A$ ,  $l_2^6$ ,  $H_{1z}$ )ни, берилган трактор учун эса асосан  $H_{2z}$  масофани ўзгартириш ҳисобига эришилинар экан.

3-4 классдаги ғилдиракли ҳайдов тракторлари учун  $X_A=300$  мм,  $Z_A=560$  мм,  $H_{1z}=400$  мм,  $l_2^6=950$  мм,  $k_2=620$  мм ва  $l_2=1040$  мм қабул қилиниб, 2.5-расмда (2.7) ва (2.8) ифодалар бўйича  $X_{oz}$  ва  $\alpha_{uz}$  ни  $H_{2z}$  га боғлиқ равишда ўзгариш графиклари қурилган. Бу олинган графиклар таҳлилидан кўриниб турибдики, (2.1) ва (2.2)



a)



б)

2.5-расм.  $X_{oz}$  (a) ва  $\alpha_{uiz}$  (б) ларни  $H_{2z}$  га боғлиқ равишда ўзгариш графикалари

шартлар бажарилиши учун  $H_{2z}$  масофа, яъни плуг орқанги қисми осиш қурилмасининг пастки осиш нуқталаридан юқори осиш нуқтасигача бўлган тик масофа 700-800 мм оралиғида бўлиши лозим экан.

Энди плуг орқанги қисмини белгиланган ишлов бериш чуқурлиги бўйича бир текис юришини тадқиқ этамиз. Ҳайдов чуқурлигининг бир текис бўлиши плугнинг энг муҳим иш кўрсаткичларидан ҳисобланади. Ишлов бериш (ҳайдаш) чуқурлигини бутун пайкал бўйлаб бир текис (хил) бўлиши таъминланганда экилган уруғлардан бир текис ва тўлиқ кўчат олиниши, ўсимликларни ўсиши ва ҳосил тўплаши ҳамда тўпланган ҳосилни бир вақтда пишиб етилиши учун бир хил шароит яратилади.

Ўтказилган тадқиқотларда таъкидланишича [26,27], ҳайдов чуқурлигининг бир текис бўлишини таъминлаш учун плуг таянч ғилдираги томонидан тупроққа бериладиган тик босим кучи маълум бир мақбул қийматга эга бўлиши лозим, яъни

$$G_T = G_{мақ}, \quad (2.9)$$

бунда  $G_T$  - плуг орқанги қисми таянч ғилдираги томонидан тупроққа бериладиган тик босим кучи;

$G_{мақ}$ -плуг таянч ғилдираги томонидан тупроққа бериладиган тик босим кучининг ҳайдов чуқурлиги бир текисда бўлишини таъминловчи мақбул қиймати.

П.Н. Бурченко [26, 27] томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижалари бўйича плуг таянч ғилдираги томонидан тупроққа бериладиган тик босим кучининг мақбул қийматини 3,5-5,0 кН оралиғида қабул қилиш мумкин, яъни  $G_{мақ} = 3,5-5,0$  кН.

(2.9) шарт бажарилганда иш жараёнида плугнинг таянч ғилдираги доимий равишда дала юзасига босиб турилади ҳамда

